

ЎЗБЕКИСТОНДА МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУГУРТАНИ ҚЎЛЛАШ МУАММОЛАРИ

Болтаев Мансуржон Сотиволдиевич,

Тошкент давлат юридик университетининг

Фуқаролик хукуки кафедраси профессори в.б.,

юридик фанлар доктори

E-mail: beshkap0721@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасида марказий ўринни тиббиёт муассасалари эгаллайди. Тиббиётнинг ривожланганлик даражаси ва мамлакат аҳолиси эҳтиёжларини қаноатлантириши эса бир қатор ташкилий-хукуқий омиллар билан боғлиқдир. Зеро, тиббиёт муассасалари фуқароларнинг ҳаёти ва соғилиғига зарап етказилганда, унга тиббий ёрдам зарур бўлганида амалдаги қонунчиликка мувофиқ тиббий хизмат кўрсатиш мажбуриятини зиммасига олади. Бунда давлат тиббиёт муассасалари тегишли тартибда тиббий суғуртани амалга оширишлари лозим саналади. Зеро, мажбурий тиббий суғурта айнан давлат томонидан белгиланган дастурлар асосида ва бевосита давлатнинг молиялаштириш асосида амалга оширилади. Чунки, суғурта қилдирувчилар томонидан мажбурий тиббий суғурта учун ажратилган маблағлар шу асосда кўрсатиладиган тиббий хизматлар ҳаққини тўлиқ қопламаслиги мумкин саналади. Шу боис давлат маблағлари ҳисобидан мажбурий тиббий суғурта мукофоти ва бадаллари аҳолининг кам таъминланган қисми учун тўлаб берилиши мумкин. Бундан фарқли равишда ихтиёрий тиббий суғуртада суғурта қилдирувчилар бўлиб тиббиёт муассасаларининг мулкдорлари ҳисобланади.

Калит сўзлар: суғурта, тиббиёт муассаса, суғурталовчи, суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс, тиббий хизмат, шартнома, истеъмолчи, bemor.

Мажбурий тиббий суғурта (МТС) шахсий суғуртанинг бири тури бўлиб, бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб туради. Биринчи навбатда МТСда суғурта манфаати шахснинг номоддий неъматлари билан боғлиқ мулкий таъминот олиш имкониятини ифодалайди. Мазкур номоддий неъматлар жумласига эса ФКнинг 99-моддасида санаб ўтилган шахснинг ҳаёти ва соғлиғи киради. Таъкидлаш лозимки, шахсий суғуртада суғурта



ҳодисаси бўлиб нафақат инсон ҳаётида юзага келадиган салбий ҳодисалар (касаллик, соғлиққа шикаст етиши ва шу кабилар), балки ҳаётидаги бошқа ҳолатлар, муайян ёшга тўлиши ҳам ҳисобланади[1]. Бироқ бундан фарқли равишда МТСда суғурта ҳодисаси бўлиб суғурталанган шахснинг тиббий ёрдамга муҳтожлиги ва айнан мазкур сабаб билан тиббиёт муассасасига мурожаат қилиши эътироф этилади[2].

Тиббий суғурта, хусусан, МТС шахсий суғуртанинг бир тури бўлганлиги сабабли ҳам суғурталовчи томонидан суғурта суммасининг тўланиши етказилган зарарни қоплаш учун тўлов ҳисобланмайди. Бу ҳолатда суғурталовчи томонидан тиббий суғурта шартномаси асосида суғурта тўловларининг тўланишини регресс тартибида қопланадиган суғурталовчининг харажатлари таркибига кирмайди, бинобарин бу харажатлар суғурталовчи фаолияти жараёнида амалга оширилган ва унинг ҳуқуқлари бузилиши оқибати ҳисобланмайди. Айни пайтда бу қоидага нисбатан бошқа нуқтаи назар ҳам мавжуд. Зеро, ФКнинг 57-боби қоидаларига мувофиқ шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта тўловларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар регресс даъво асосида талаб қилиниши мумкин ҳисобланади[3].

Таъкидлаш ўринлики, суғурта механизми тури хатарларни таъминлашнинг универсал кафолатлари бўлиб, бозор иқтисодиёти ривожланган кўплаб мамлакатларда фаол фойдаланилади. Ижтимоий суғурта ҳам бундан мустасно эмас. Шу сабабли ҳам суғурта муносабатлари шаклланишининг дастлабки босқичида мажбурий суғурта институтларининг жорий этилиши ижтимоий суғуртани ривожлантиришнинг муҳим йўналишига айланган[4]. Қолаверса, ижтимоий суғуртани ривожлантириш, бунда аҳолининг кам таъминланган қатламини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмларидан бири сифатида мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

МТС тизимида марказий элемент бўлиб, ушбу соҳада муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар эга бўлган суғурталанган шахс – фуқаро ҳисобланади. Шу боис МТС доирасида фуқароларга тиббий ёрдам тақдим этишда унинг иштироки, хусусан суғурта ҳодисаси рўй берганида мурожаат қилинадиган тиббиёт муассасасини танлаш имконияти мавжуд бўлиши керак. МТСга оид қонунчиликни шакллантиришда МТС шартномаси бўйича тиббий ёрдамни тақдим этадиган тиббиёт муассасасини танлашда устуворлик суғурта қилдирувчига эмас, суғурталанган шахсга берилиши лозим бўлади.



Шунингдек МТС жорий этишда суғурталанган шахсларнинг ҳисобини юритиш ҳам мухимдир. Бунда МТС бўйича суғурталанган шахсларнинг ягона базаси тўғрисидаги қоидаларни ҳам ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида суғурталанган шахсга тиббий хизмат кўрсатишга оид нормаларни белгилаш зарурдир. Бундан ташқари, суғурта асосида фаолият юритадиган тиббиёт муассасаларининг тиббий ёрдамнинг ҳажми, муддатлари ва сифатини назорат қилиш бўйича ҳуқуqlари ҳам қонунчилик даражасида мустаҳкамланиши мақсаддага мувофиқдир.

МТСни жорий этишда тиббиётнинг бугунги ривожланиш даражасидан келиб чиқиш ва шу асосда муҳим йўналишларни аниқлаш олиш лозим. Фикримизча, МТСни жорий этиш ва уни қўллаш учун муҳим йўналишлар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- МТС тизимида тиббий ёрдамни бир каналли молиялаштириш моделига ўтиш, бунда даромадлар манбаи ва харажатли мажбуриятларни қонунчилик даражасида белгилаш;
- МТСда барча иш берувчилар ва якка тадбиркорлар учун ягона тариф бўйича суғурта бадалларини жорий қилиш;
- суғурта бадаллари ҳисобланадиган йиллик иш ҳаки миқдорининг чегарасини белгилаш;
- барча ҳудудлар учун суғурта бадаллари миқдорини белгилашга нисбатан ягона талабларни ўрнатиш;
- суғурта тиббиёт ташкилотларининг жавобгарлигини ошириш;
- тиббиёт сифатини бошқариш тизимини яратиш;
- турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тиббиёт муассасаларининг МТСда иштирок этишлари учун шароит яратиш.

МТСни жорий этишда муҳим принциплар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: МТСнинг умумий тусдлиги; суғурталанган шахсларнинг ижтимоий хатарлардан химоя қилишда давлатнинг кафолатлари; МТС молиявий тизимининг мухториятга эгалиги.

Соғлиқни сақлаш тизимида, хусусан, тиббий суғурта соҳасида фуқароларнинг қуйидаги асосий ҳуқуqlарини санаб ўтиш мумкин:

- мажбурий ва ихтиёрий тиббий суғуртадан фойдаланиш;
- тиббий суғурта ташкилотини танлаш;
- ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурта шартномасига биноан тиббий муассаса ва врачни танлаш;

- амалда тўланган суғурта бадаллари миқдоридан қатъий назар шартнома шартларига мос келадиган ҳажмда ва сифатда тиббий хизматни олиш;
- тиббий суғурта шартномада назарда тутилган ёки тутилмаганидан қатъий назар суғурталовчи, тиббий суғурта ташкилоти, тиббиёт муассасасига даъво қўзғатиш, шу жумладан уларнинг айби билан етказилган моддий зарар қопланишини талаб қилиш;
- агар шартнома шартларида белгиланган бўлса ихтиёрий тиббий суғуртада суғурта бадалларининг бир қисмининг қайтарилиши.

Ушбу фундаментал постулатлар соғлиқни сақлаш тизими доирасида МТСнинг мазмунини ташкил этади. МТСнинг жорий этилиши давлат ва хусусий соғлиқни сақлаш тизимининг уйғунлигини таъминлаш ҳамда тиббий хизмат кўрсатилишини аҳолининг кам таъминланган қатламига яқинлаштириш имконини беради[5].

МТСни ҳукуқий тартибга солишининг асосий мақсадларидан бири – соғлиқни сақлаш соҳасида бозор негизларини таъминлаш ва шу орқали тиббий хизмат сифати бўйича рақобатни ривожлантириш ҳисобланади. МТСнинг ҳукуқий асосларини белгилаш йўли билан суғурталанган фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишда тиббиёт муассасалари ўртасида рақобат муҳити яратилади. Рақобат шароитини бажариш турли мулк шаклларидаги тиббиёт муассасаларининг мажбурий тиббий суғурта тизимида баравар асосларда фаолият олиб боришлиарини англаради. МТС соҳасидаги тиббиёт муассасаларига турли мулк шаклидаги ташкилотлар билан бирга хусусий тиббиёт билан шуғулланувчи якка тадбиркорлар ҳам киради. Бунда ташкилот ва якка тадбиркорлар тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳукуқига эга бўлишлари ва МТС соҳасида фаолияти юритувчи тиббий муассасалар реестрига киритилган бўлишлари лозим. Шу билан бирга, тиббий суғурталаш соҳасида фаолият юритиш ҳукуқини чет эл тиббиёт муассасаларига ҳам тақдим этиш ва бунда уларга нисбатан резидентлар учун қўлланиладиган миллий ҳукуқий режимни татбиқ этиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги “Истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 221-І-сон қонуни беморларга бепул, бироқ мажбурий тиббий суғурта маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий хизмат кўрсатишга нисбатан ҳам қопланади. Бунда мазкур қонун хусусий тиббиёт муассасаларида кўрсатилган сифатсиз хизматдан жарблангандарга максимал ҳукуқий ҳимояни таъминлайди. Бироқ айрим мутахассисларнинг қайд этишича, судлар ҳамма вақт ҳам МТС тизими доирасида кўрсатилган



тиббий хизматдан жабрланган беморнинг тарафида бўлмайдики, бу бепул ва ҳақ эвазига қўрсатиладиган тиббий хизматда жиддий бузилишлар ва амалда “икки хил стандартлар”га олиб келади[6]. Бундан ташқари, А.Самошкиннинг ёзишича, суғурталанган аҳоли – соғлиқни сақлаш хизматлари ва дори-дармон таъминоти истеъмолчилари категориясининг тушунчаси ва табақаланишини аниқлаштириш лозим бўлади[7].

Одатда тиббий хизматларнинг сифатида турлича аниқланади. Шунингдек пациентнинг соғлиғига зарап етказишнинг тавсифи, масалан, сифатсиз тиббий ёрдамни пациент ҳолатини тиббий ёрдам қўрсатилишидан олдинги ва кейингиси билан солиштириб аниқлаш мумкин[8]. Одатда сифати лозим даражада бўлмаган тиббий ёрдам деганда, тиббиёт ходими томонидан қўрсатиладиган қўйидаги салбий оқибатларни истисно қиласиган тиббий ёрдам тушунилади: - беморда мавжуд бўлганда касалликнинг барқарорлашувини қийинлаштирадиган ёки кучайиш хавфини оширадиган, янги патологик жараёнлар вужудга келиш хатарини оширадиган оқибатлар; - тиббий муассаса ресурсларидан нооптималь фойдаланишга олиб келувчи оқибатлар; - беморда тиббиёт муассасаси билан ўзаро ҳаракатларда қаноатланмасликни юзага келтирувчи оқибатлар. Тиббий хизматларнинг сифати ижрочи-врачнинг, тиббиёт ходимининг моҳирлиги ва профессионаллиги, уларнинг ҳалоллиги ва маҳорати, замонавий тиббий-техник воситаларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади. Ю.Андреевнинг фикрига кўра, қонунчилик ва шартномада сифат масалаларининг мустаҳкамланганлиги ва бунга риоя этмаганлик учун жавобгарликнинг тартибга солинганлиги муҳим аҳамиятга эга[9]. Бинобарин жабрланган беморлар хуқуқларини самарали ҳимоя қилиш масалаларини тартибга солувчи норматив базани ишлаб чиқиш алоҳида ўрин тутади. Шу боис ташкилотлар ва алоҳида тиббиёт ходимларига жарималар белгилашда пул маблағларининг манбаларини аниқлаш тиббий ёрдам сифатини оширишга хизмат қиласи[10].

Умуман олганда, мажбурий тиббий суғуртани қўллашда суғурталанган шахс манфаатларидан келиб чиқиш, тиббий суғурта ташкилоти ва тиббиёт муассасасини танлаш ва зарурат бўлганда уларни алмаштириш хуқуқини аниқ белгилаш, шу асосда суғурта полисини универсал турини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, тиббий суғурта ташкилотларининг мажбурий тиббий суғуртада муносабатларидағи манфаатдорлигини ошириш, уларнинг қўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини назорат қилишга оид



ваколатларини ошириш сүгурталанган шахс манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Иқтибослар:

1. Щербачева Л.В. Договор возмездного оказания услуг добровольного страхования рисков: обязательства сторон // Вестник экономической безопасности. 2018. - № 3. – С. 119-120.
2. Andrew J. Barnes & Yaniv Hanoch. Knowledge and understanding of health insurance: challenges and remedies // Israel Journal of Health Policy Research volume 6, Article number: 40 (2017) / <https://ijhpr.biomedcentral.com/articles/10.1186/s13584-017-0163-2>
3. Имомов Н.Ф. Деликт мажбуриятларида регресс хуқуқи ва унинг ўзига хос хусусиятлари // Фуқаролик процессуал кодексни такомилаштириш масалалари: муаммолар ва ечимлар: Илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент: ТДЮИ, 2010. - Б.132-138.
4. Кирилловых А.А. Правовое регулирование обязательного медицинского страхования // Законодательство и экономика. 2011. № 6. – С. 62-77.
5. Овчинникова Ю.С. Договор добровольного медицинского страхования: основные черты и проблемы применения // Право и экономика. 2011. № 8. – С. 25-30.
6. Талеров К.В. Обязательное страхование пострадавших от действий террористического характера как гражданско-правовой способ защиты их прав // Безопасность бизнеса. 2008. – № 4.
7. Грищенко Н.Б. Страховая экспертиза профессиональных ошибок // Страховое право. 2004. № 4. – С. 12.
8. Ситдикова Л.Б. Гражданско-правовая ответственность в сфере оказания медицинских услуг // Медицинское право. 2012. № 3. – С. 9-14.
9. Долинская В.В. Обязательное страхование: вопросы правового регулирования и классификации // Законы России: опыт, анализ, практика. 2007. – № 9.
10. Колоколов Г. Р., Махонько Н. И. Медицинское право: Учеб. пособие. – М.: Дашков и Ко, 2009.

